

Қ.Қ.Ҳақбердиев, ТДШУ ҳузуридаги Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил маркази директори

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИЯЛАР ГЛОБАЛ ИНДЕКСИДА ЭГАЛЛАГАН ЎРИНЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада Инновацион глобал индекснинг моҳияти ва мақсади очиб берилган, МДҲ мамлакатларининг Инновациялар глобал индексиди эгаллаган мамлакатлари қиёсий таҳлил қилинган. Мамлакатларнинг якуний индексига таъсир кўрсатувчи салбий ва ижобий омиллар аниқланиб рейтингдаги ўрнини ошириш бўйича тавсия ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: МДҲ мамлакатлари, Инновациялар глобал индекси, Innovation Input ва Innovation Output кўрсаткичлари, йиғма индикаторлар, мамлакатлар рейтингли.

Инновациялар глобал индекси (The Global Innovation Index) Франциянинг Халқаро бизнес мактаби INSEAD томонидан 2007 йилдан буён нашр этиб келинади. Ҳозирда инновациялар глобал индексини (ГИ) ташкилотчилари сафига АҚШнинг Корнель университети (Cornell University) ва қароргоҳи Женевада жойлашган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилот (WIPO)лари ҳам қўшилган.

ГИнинг асосий мақсади турли шаклларда юзага келувчи инновацияларни тўла қонли баҳолашга қаратилган универсал ёндашув ва умумлаштирувчи индикаторларни излаб топишдир. Индекс глобал миқёсда олиб бориладиган тадқиқотларнинг натижаси бўлиб, унинг асосида инновациялар ривожланишининг даражаси бўйича мамлакатларнинг рейтингли аниқланади.

ГИ экспертларининг фикрига кўра, иқтисодийнинг тараққиёти мамлакатларнинг амалдаги инновацион салоҳиятлари ва уни амалга ошириш натижаларига боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам ГИ икки кўрсаткичлар гуруҳи асосида ҳисобланади.

1. Мавжуд ресурслар ва инновацияларни амалга ошириш шарт-шароитлари (Кириш кўрсаткичлари-Innovation Input):

- институтлар;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфраструктура;
- ички бозорнинг ривожланиши;
- бизнеснинг ривожланиши

2. Инновацияни амалга оширишда эришилган амалий натижалар (Чиқиш кўрсаткичлари-Innovation Output):

- технологиялар ва билимлар иқтисодийтини ривожланиши;
- ижодкорлик фаолияти натижалари.

Якуний индекс сарф-харажатлар ва самаранинг натижаси бўлиб, муайян бир мамлакатда инновацияларни ривожлантиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар самарадорлигининг объектив баҳосидир.

Инновациялар глобал индекси компонентлари¹

ГЛОБАЛ ИННОВАЦИЯ ИНДЕКСИ						
Кириш кўрсаткичлари Innovation Input					Чикиш кўрсаткичлари Innovation Output	
Институтлар	Инсон капитали ва тадқиқотлар	Инфраструктура	Бозорнинг барқарорлиги	Бизнеснинг барқарорлиги	Технологиялар ва билимлар иқтисодиётининг ривожланиши	Ижодкорлик фаолияти натижалари
Сиёсий муҳит	Таълим	АКТ	Кредит	Касбий билимлар	Билимлар яратиш	Номоддий активлар
Тартибга солувчи муҳит	Олий таълим	Асосий инфраструктура	Инвестициялар	Инновацион алоқалар	Билимларнинг таъсир кўрсатиши	Креатив товар ва хизматлар
Бизнес муҳит	Тадқиқот ва ишланмалар	Экологик барқарорлик	Савдо ва рақобат	Билимларни ўзлаштириш	Билимларни тарқалиши	Онлайн креативлик

ГII ҳисоблашда 81 та бирламчи кўрсаткичлар қийматлари йиғиндиси якуний натижада акс этади. Кўрсаткичлар миқдор, композит ва сўровнома турларидан иборат.

Миқдор кўрсаткичлари сони жами 57 та бўлиб, БМТ, WIPO, Жаҳон банки, PwC, Thomson Reuters ва бошқа расмий манбалардан олинади. Турли мамлакатлар иқтисодиётлари кўламини қиёслаш учун нисбий кўрсаткичлар аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, ЯИМ эса жорий нархларда ёки харид қобилияти паритети бўйича АҚШ долларарида олинди;

Композит кўрсаткичлар сони 19 та ва қуйидаги нуфузли ташкилотлар ва муассасалар индексларига асосланади: БМТ, Жаҳон банки, Халқаро телекоммуникация иттифоқи, Йель ва Колумбия университетлари;

3. Сўровнома маълумотлари 5 та кўрсаткичдан иборат ва мазкур тадқиқотлар Бутунжаҳон иқтисодий форуми шарҳларидан олинади.

Барча кўрсаткичлар қиймати 0 дан 100 диапазон оралиғида олинади.

ГII шакллантиришда қўлланилган методология ва маълумотлар манбалари мамлакатларни қиёсловчи йиллик ҳисоботларда чоп этиб борилади. Ҳисоботда умумий натижалар билан бирга ҳар бир мамлакат кесимида индексни шакллантиришда иштирок этган кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида натижалар эълон қилинади. Ушбу алоҳида мамлакатлар кесимидаги натижаларга қараб, муайян мамлакат қайси кўрсаткичлар бўйича афзалликларга эга ва қайси кўрсаткичлар бўйича орқада бораётганлигини кўриши мумкин бўлади.

¹ The Global Innovation Index, 2012–2020.

1-Жадвал. 2012-2020 йилларда Инновациялар глобал индексининг етакчи Топ 10 та мамлакат динамикаси².

Ўрин	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария	Швейцария
2	Швеция	Швеция	Буюк Британия	Буюк Британия	Швеция	Швеция	Нидерландия	Швеция	Швеция
3	Сингапур	Буюк Британия	Швеция	Швеция	Буюк Британия	Нидерландия	Швеция	АҚШ	АҚШ
4	Финляндия	Нидерландия	Финляндия	Нидерландия	АҚШ	АҚШ	Буюк Британия	Нидерландия	Буюк Британия
5	Буюк Британия	АҚШ	Нидерландия	АҚШ	Финляндия	Буюк Британия	Сингапур	Буюк Британия	Нидерландия
6	Нидерландия	Финляндия	АҚШ	Финляндия	Сингапур	Дания	АҚШ	Финляндия	Дания
7	Дания	Гонконг	Сингапур	Сингапур	Ирландия	Сингапур	Финляндия	Дания	Финляндия
8	Гонконг	Сингапур	Дания	Ирландия	Дания	Финляндия	Дания	Сингапур	Сингапур
9	Ирландия	Дания	Люксембург	Люксембург	Нидерландия	Германия	Германия	Германия	Германия
10	АҚШ	Ирландия	Гонконг	Дания	Германия	Ирландия	Ирландия	Исроил	Жанубий Корея

Инновациялар глобал индекси рейтинги 2020 йилда 131 мамлакат бўйича ҳисобланган бўлиб, унда Швейцария етакчилик қилади. Рейтингнинг юқори поғоналарини асосан, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотига (OECD) аъзо давлатлар ҳисобланувчи жаҳоннинг саноати ривожланган етакчи мамлакатлари эгаллайди. Етакчи ўнталикда Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Дания, Финляндия, Сингапур кейинги йилларда мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Швейцариянинг инновацион ривожланишни ташкил этиш билан боғлиқ фаолияти кейинги йилларда мунтазам юқори баҳоланиб келмоқда. Мамлакатда мавжуд инновацион салоҳият ва уни руёбга чиқариш жараёнларининг сифати Швеция, АҚШ, Буюк Британияни ҳам етакчи гуруҳ мамлакатлари сифатида қайд этиш имконини беради. Ушбу мамлакатларнинг ГИ юқори рейтингга эга эканлиги сабаблари сифатида биринчи навбатда инсон капитали ва тадқиқотлар, шунингдек, бизнеснинг ривожланиш шарт-шароитларининг қулайлигини қайд этиш лозим. Ривожланган мамлакатларда ижодкорлик фаолияти натижалари ва технологиялар ва билимлар иқтисодиётининг ривожланиши кўрсаткичлари ҳам анъанавий тарзда юқори баҳоланиб келинади.

МДХ мамлакатлари кейинги йилларда ГИда мунтазам иштирок этиб келишларига қарамай нисбатан паст кўрсаткичларни қайд этишмоқда. Ушбу мамлакатлардаги инновацион фаолиятнинг ҳолати ва унинг ривожланиш даражаси албатта глобал рейтингда ўз аксини топмоқда.

² The Global Innovation Index, 2012–2020 маълумотлари асосида шакллантирилган

**2-Жадвал. 2012-2020 йилларда МДХ мамлакатларининг
Инновациялар глобал индексидаги ўрни³.**

№	Мамлакат	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Россия	51	62	49	48	43	45	46	46	47
2	Молдова	50	45	43	44	46	54	48	58	59
3	Арманистон	69	59	65	61	-	59	68	64	61
4	Белорус	78	77	58	53	79	88	86	72	64
5	Қозоғистон	83	84	79	82	75	78	74	79	77
6	Озарбайжон	89	105	101	93	85	82	82	84	82
7	Ўзбекистон	127	133	128	122	-	-	-	-	93
8	Қирғизистон	109	117	112	109	103	95	94	90	94
9	Тожикистон	108	101	137	11	86	94	101	100	109
10	Туркменистон	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Хусусан, 2020 йилда Инновациялар глобал индексида МДХ мамлакатлари ва собиқ иттифоқ мамлакатларидан Эстония (25-ўрин), Латвия (36), Литва (40), Украина (45), Россия Федерацияси (47) нисбатан юқори бўлган биринчи 50 та мамлакат орасидан ўрин олган бўлса, Молдова (59), Арманистон (61), Грузия (63), Беларус (64), Қозоғистон (77), Озарбайжон (82), Ўзбекистон (93), Қирғизистон (94) ва Тожикистон (109) кўрсаткичлари нисбатан паст ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, МДХ мамлакатларининг GII рейтинг даражаси нисбатан паст бўлиб, ривожланган мамлакатларга қараганда анча қуйи ўринларни эгаллашадилар. МДХ мамлакатлари асосан Осиё ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олган.

Инновациялар глобал индекси юқорида таъкидланганидек, а) инновацияларнинг ресур таъминоти ҳисобланувчи кириш кўрсаткичлари (Innovation Input) ва б). Инновацияларнинг амалий натижалар сифатидаги чиқиш кўрсаткичлари (Innovation Output)дан ташкил топган. Якуний индекс рейтинги иккала йўналишларнинг йиғиндиси асосида ташкил топади. МДХ мамлакатларининг икки йўналишларда қайд этган натижалари шуни кўрсатадики, якуний индекс асосан, юқори натижалар қайд этилган биринчи гуруҳ кўрсаткичлари ҳисобидан шаклланган. Иккинчи йўналиш бўйича эришилган кўрсаткичлар, афсуски анча паст бўлиб, якуний кўрсаткичга салбий таъсир кўрсатган.

МДХ мамлакатларидан Россия Федерациясининг кўрсаткичи энг юқори бўлиб, қиёсланиш амалга оширилаётган мамлакатлар орасида 47 ўринни эгаллаган. Россия Федерациясидан олдинги 45 ва 46 поғоналарни мос равишда Украина ва Руминия эгаллаганини эътиборга олган ҳолда МДХ мамлакатларининг глобал инновация ривожланишдаги аҳволига билвосита баҳо бериш мумкин. МДХ мамлакатлари орасида энг паст натижа қайд этган Тожикистон (109 ўрин)нинг рейтингдаги қўшилари Гана (108) ва Камбоджа

³ The Global Innovation Index, 2012–2020 маълумотлари асосида шакллантирилган

(110) бугунги кунда иқтисодий ривожланиш даражаси паст мамлакатлар қаторига киради.

МДХ мамлакатларининг Инновациялар глобал индексидаги иштирокининг яна бир салбий жиҳати, эгалланган даражанинг ижобий томонга нисбатан паст суръатлар билан ўзгаришидир. Хусусан, Россия Федерациясининг глобал индексидаги ўрни 2012 йилдан 2020 йилга келиб 4 поғонага ошган. Ижобий динамика шунингдек, Арманистон (8 поғонага ўсиш), Белорус (14), Қозоғистон (6), Озарбайжон (7), Қирғизистон (15) ва Ўзбекистонда (34) қайд этилган. Аксинча, Молдова 2020 йилга келиб, 2012 йилга нисбатан 9 поғона ва Тожикистон 1 поғона пастга тушган. Туркменистон маълумотлар тақдим этмаганлиги сабабли рейтингда иштирок этмаган.

МДХ мамлакатларининг GII даги нисбатан паст кўрсаткичларининг сабаблари сифатида ушбу мамлакатларда шаклланган иқтисодий ривожланиш моделлари ва ташқи бозорларда шаклланаётган шарт-шароитларга чамбарчас боғлиқдир.

Биринчидан, МДХ мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш моделларида маъмурий тартибларнинг ўрни ва кўлами юқори бўлиб, монопол ва давлат мулкидаги корхоналарнинг иқтисодий жараёнларга таъсири юқорилигича ва бозор механизмлари заифлигича қолмоқда.

Иккинчидан, МДХ мамлакатлари иқтисодиётининг аксарияти хом-ашё экспортига кучли боғлиқликка эга. Жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон ёқилғи-энергетика комплекси маҳсулотларини йирик экспорт қилувчи сифатида жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ. Молдова, Арманистон, Қирғизистон ва Тожикистон иқтисодиётининг салоҳияти паст бўлиб, асосан чекланган экспорт имкониятлари ва паст самарали аграр иқтисодий таркибга эга.

Инновацион салоҳиятни ривожлантириш учун мавжуд ресурслар ва инновацияларни амалга ошириш шарт-шароитлари (Innovation Input) бугунги кунда МДХ мамлакатларида нисбатан ноқулайлигича қолмоқда. Мамлакатлар ҳукуматлари томонидан GII рейтингига ижобий таъсир кўрсатувчи инновацион фаолият доирасида институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфраструктура, ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришларни жадал жорий этиш тўғрисида тушуниш бўлса-да, ушбу ўзгаришларни амалда жорий этиш ниҳоятда секин кечмоқда.

Шунингдек, МДХ мамлакатларида мавжуд илмий салоҳият ва илмий-техник даража жаҳон мамлакатлари ичида ниҳоятда паст баҳоланади. Илмий ва фундаментал тадқиқотларнинг самарадорлиги ва амалиётга қўлланиш даражаси жаҳоннинг қатор мамлакатларидан орқада қолмоқда. Жумладан, МДХ мамлакатлари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари турли халқаро рейтингларда жуда паст ўринларни эгаллайди ёки кўрсаткичларнинг ўта пастлиги сабабли рейтинг тизими қайд эта олмайди.

Кўриниб турибдики, динамик инновацион ривожланишни ташкил этиш барча МДХ мамлакатларида тизимли муаммолар сабабли чекловларга дуч келади. Натижада, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаларини

амалиётга жорий этишда МДХ мамлакатларидан жуда катта сиёсий ирода талаб қилинади ва инновацияларни ривожлантиришни қўлла-қувватловчи кескин чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилади.

Қуйида МДХ мамлакатларининг йирик иқтисодиётига эга Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг, шунингдек, қўшимча равишда Ўзбекистоннинг Инновациялар глобал индексида эгаллаган ўринларига батафсил тўхталамиз.

Россия Федерацияси МДХ мамлакатлари орасида GII рейтингда 2020 йилда 47 ўринни эгаллаб (2019 й.да 46 ўрин) етакчи мамлакат ҳисобланади. 2012-2020 йиллар давомида Россия Федерациясининг GIIдаги ўрни нисбатан паст даражада бўлса-да, ижобий томонга ўзгарди. Хусусан, 2012 йилда 51 ўринни эгаллаган бўлса, энг яхши кўрсаткич (43 ўрин) 2016 йилда қайд этилди.

Россия Федерацияси GII рейтингининг алоҳида унсурлари бўйича эгаллаган ўринни таҳлил қилиш орқали мамлакат натижаси асосан қайси омиллар ҳисобидан шаклланганлигини кўриш мумкин.

3-Жадвал. Россия Федерациясининг Инновациялар глобал индексининг компонентлари бўйича эгаллаган ўрни⁴

Инновациялар глобал индекси компонентлари	2019 й.	2020 й.
инсон капитали ва тадқиқотлар	23	30
бизнеснинг ривожланиши	35	42
GII	46	47
технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши	47	50
ички бозорнинг ривожланиши	61	55
ижодкорлик фаолияти натижалари	62	60
инфраструктура	72	60
институтлар	74	71

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2020 йилда Россия Федерациясининг GII рейтингда эгаллаган ўрни 2019 йилга нисбатан бир поғонага пасайган ва сезиларли ўзгармаган. Шунинг билан бирга, айрим йўналишларда яхши натижалар эвазига умумий рейтинг яхшиланган бўлса, қолган йўналишларда эса кўрсаткичларнинг юқори улуши ҳисобига якуний натижа салбий томонга қараб ўзгарган. Хусусан, 2020 йил натижаларига эътибор берсак, икки йўналишда, жумладан, инсон капитали ва тадқиқотлар (30 ўрин) ва бизнесни ривожланиш даражалари (42 ўрин) кўрсаткичлари бўйича Россия Федерациясининг рейтинг кўрсаткичлари юқори баҳоланиб якуний натижани яхшилашга хизмат қилган. Технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши категорияси бўйича 2020 йилда қайд этилган 50 ўрин сезиларли салбий таъсир кўрсатмаган ёки таъсири нейтрал бўлган бўлса, ички бозорнинг ривожланиши бўйича 55 ўрин, ижодкорлик фаолияти натижалари бўйича 60 ўрин, инфраструктура бўйича 60 ўрин ва институтлар бўйича 70 ўринни қайд этиб якуний индексни пасайишига олиб келган.

⁴ The Global Innovation Index, 2012–2020 маълумотлари асосида шакллантирилган

Ўз навбатида, максимал ижобий таъсир кўрсатган инсон капитали ва тадқиқотлар йўналишини таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги йилларда Россия Федерациясида олий таълим тизимида қуйидаги ижобий кўрсаткичларга эришилди: табиий ва инженерлик йўналишлари битирувчилари сони ошди; олий таълим қамрови кенгайди; халқаро тан олинган QS рейтингда Россия университетларининг позициялари яхшиланди; ўрта таълимда ўқувчилар ва ўқитувчилар сонининг нисбати яхшиланди.

Бизнеснинг барқарорлиги кўрсаткичи ҳам ўз навбатида касбий билим ва кўникмалар, инновацион алоқалар, янги билимларни ўзлаштириш тизимларни жадал ривожланиб бориши ортидан ижобий баҳо олган. Худди шунингдек, технологиялар ва билимлар иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари тизими ҳам Россия Федерациясида кейинги йилларда билимлар яратиш, билимларнинг таъсир кўрсатиши, билимларни тарқалиши каби жараёнларда эришилган ижобий жараёнлар таъсирида нисбатан юқори баҳоланди.

Бироқ, бозорнинг барқарорлиги кўрсаткичлари (кредит, инвестициялар, савдо ва рақобат), ижодкорлик фаолияти натижалари (номоддий активлар, креатив товарлар, хизматлар ва онлайн чиқишлар), инфраструктура, институтлар (сиёсий муҳит, тартибга солувчи муҳит, бизнес муҳити) кўрсаткичлари бўйича Россия Федерациясида шаклланган ҳолат натижасида паст баҳоланиб мамлакатнинг умумий индексини пасайишига олиб келди. Амалда мамлакат кўрсаткичи нисбатан пасайган бўлса-да, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни либераллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўплаб қабул этилаётганлиги яқин ва ўрта истикболда Россия Федерациясининг GII рейтингини сезиларли яхшиланишини таъминлашга хизмат қилади.

Инновациялар глобал индексида Қозоғистон 2020 йилда 77 ўринни эгаллаб, МДХ мамлакатлари орасида Россия, Молдова, Арманистон ва Белорусдан кейин 5 ўринни эгаллайди. Қозоғистон GII рейтингдаги энг яхши кўрсаткич – 74 ўринни 2018 йилда қайд этган. Умуман олганда, жаҳон GII рейтингда 77 ўрин анча паст кўрсаткич бўлиб, мамлакатнинг хом-ашё экспортёри мақомидан далолат беради. 2012-2020 йиллар давомида Қозоғистоннинг GII рейтингдаги ўрни жуда суст ўзгариб бор-йўғи 7 поғонага яхшиланди.

Қозоғистон Республикаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан GIIда ўзининг рейтингини 2 поғонага яхшилашга муваффақ бўлган. Жадвал маълумотларидан кўринадикки, институтлар сифати кўрсаткичи бўйича рейтингда 49 ўрин қайд этилган ва бу натижа ўз навбатида умумий рейтингни ижобий томонга ўзгаришини таъминлаган. Шунингдек, ички бозорнинг ривожланиши бўйича ҳам муваффақиятли кўрсаткич қайд этилган. Хусусан, ушбу кўрсаткич бўйича мамлакат 2019 йилда 69 ўринни қайд этган бўлса, 2020 йилга келиб 16 поғонага яхшилانган ва 53 ўрин қайд этилган.

**4-Жадвал. Қозоғистоннинг Инновациялар глобал индексининг
компонентлари бўйича эгаллаган ўрни⁵**

Инновациялар глобал индекси компонентлари	2019 й.	2020 й.
институтлар	49	49
ички бозорнинг ривожланиши	69	53
инфраструктура	67	66
инсон капитали ва тадқиқотлар	67	68
бизнеснинг ривожланиши	78	71
ГП	79	77
технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши	81	80
ижодкорлик фаолияти натижалари	102	105

Инфраструктура (2020 йилда 66 ўрин), инсон капитали ва тадқиқотлар (68), бизнесни ривожланиши (71) кўрсаткичлари бўйича эришилган рейтинг умумий натижани яхшилашга ижобий ҳисса қўшган. Шунингдек, технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши (80) кўрсаткичи бўйича эришилган рейтинг умумий натижага нисбатан нейтрал характерда бўлган. Бироқ, иждоқорлик фаолияти натижалари кўрсаткичи 2019 йилда 102 ўридан 2020 йилда 3 поғонага пасайган ва 105 ўрин билан якуний индексга сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қозоғистоннинг ГП рейтинг кўрсаткичи асосан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи омилларнинг (кириш кўрсаткичлари-Innovation Input) қулайлиги асосида шаклланган. Хусусан, институтлар кўрсаткичи бўйича: сиёсий муҳит, тартибга солувчи муҳит ва бизнес муҳитларнинг сифати ва бозор барқарорлиги кўрсаткичи бўйича тадбиркорлар учун кредит, инвестициялар, савдо ва рақобат омилларининг сифатининг юқорилиги билан ижобий баҳоланади.

Бироқ, ўзида натижадорликни акс эттирувчи (чиқиш кўрсаткичлари-Innovation Output) кўрсаткичлар ҳисобланмиш технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши, иждоқорлик фаолияти натижалари йўналишларидаги бирламчи шарт-шароитларнинг яхши эмаслиги ва сифатининг пастлиги сабабли ушбу йўналишларда паст натижа қайд этилиб умумий мамлакат индексига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

Истиқболда Қозоғистон Республикасининг ГПда рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш, юқори ўринларни эгаллаш учун биринчи навбатда инновацион фаолиятнинг натижаларини ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётига жадал тадбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, давлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолият натижаларидан фойдаланишни рағбатлантиришга эътиборни қаратиши лозим. Шунингдек, ўзида инновацион сарф-харажатларни акс эттирган кириш кўрсаткичлари йўналишида ҳам олиб борилаётган ижобий ўзгаришларни давом эттириш тавсия этилади.

⁵ The Global Innovation Index, 2012–2020 маълумотлари асосида шакллантирилган

Ўзбекистон Республикасининг GII рейтингдаги иштирокини бир текис деб бўлмайди. Мамлакат 2016-2019 йилларда рейтинг таҳлилларига турли сабабларга кўра иштирок этмаган. 2020 йилга келиб Ўзбекистоннинг рейтингда иштирок этиши қайта тикланди ва шу йилнинг ўзида умумий мамлакат индекси 93 ўринда қайд этилди. Ушбу кўрсаткич МДХ мамлакатлари орасида паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, бундан ҳам ёмон натижа Қирғизистон (94 ўрин) ва Тожикистонда (109) қайд этилган. Албатта бундай баҳо мамлакатда инновация жараёнларининг аҳволи ва инновацион ривожланиш имконияти ва истиқболлари даражаларини кўрсатади.

5-Жадвал. Ўзбекистоннинг Инновациялар глобал индексининг компонентлари бўйича эгаллаган ўрни⁶

Глобал инновация индекси компонентлари	2020 й.
ички бозорнинг ривожланиши	27
инфраструктура	72
инсон капитали ва тадқиқотлар	77
технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши	90
GII	93
институтлар	95
бизнеснинг ривожланиши	127
ижодкорлик фаолияти натижалари	127

2020 йилда GII мамлакат кўрсаткичи 93 ўринда қайд этилди. Компонентлар кесимида ички бозор ривожланиш кўрсаткичлари энг юқори (27 ўрин) баҳоланга бўлса, инфраструктура ва инсон капитали ва тадқиқотлар кўрсаткичи ўртача мамлакат кўрсаткичидан нисбатан яхшироқ қайд этилган бўлса, технологиялар ва билимлар иқтисодиётини ривожланиши (90), институтлар (95) кўрсаткичлари ўртача мамлакат кўрсаткичига яқин бўлиб нейтрал характерда бўлди. Бироқ, бизнеснинг ривожланиши (127 ўрин) ва иждоқорлик фаолияти натижалари (127) кўрсаткичлари бўйича ўта паст натижа қайд этилган ва мамлакатнинг якуний кўрсаткичини пасайишига сезиларли таъсир кўрсатган. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатда тадбиркорлик ва инновациялар учун шарт-шароитлар ва қулайликлар мунтазам яратиб борилаётганлигига қарамай Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги GII рейтинги 93 ўринда қайд этилиши ўта аянчли ҳолдир.

Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда, шу жумладан, глобал инновация индексида иштирок этишини таъминлаш ва ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йилнинг 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Инновацион ишланмаларни татбиқ этишнинг илмий-амалий маркази ушбу

⁶ The Global Innovation Index, 2012–2020 маълумотлари асосида шакллантирилган

қарор билан Инновациялар глобал индекси (The Global Innovation Index)ни юритувчи халқаро ташкилотлар билан ишлаш учун маъсул этиб тайинланди.

- Республикадаги тадқиқот институтлари ва шу жумладан мазкур марказга қуйидаги вазифалар бириктирилди:

- “халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш;

- ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш;

- лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан эксперт таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасининг тегишли рейтинглардаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини яратиш;

- Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилин олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва конструктив мулоқотни йўлга қўйиш;

- тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш ва аҳволни ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш доирасида турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш”⁷.

Ўйлаймизки, давлат раҳбари даражасидаги юқори эътибор иқтисодиётнинг инновацион фаолиятида туб ўзгаришларга ва маъсул ташкилот ва муассасаларнинг халқаро рейтинглар бўйича ҳатти-ҳаракатларида эса натижадорликни янада оширади.

GI рейтингини халқаро қиёсий тадқиқотлар ва таҳлиллар бўлиб, унинг натижалари муайян мамлакатларда инновацияларнинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар ва унинг натижаларидан амалий фойдаланиш имкониятлари баҳоланади. Мазкур халқаро рейтингда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатлари иштирок этади ва йиллик натижалар расман эълон қилиб борилади. Шунингдек, якуний натижалар билан бирга ушбу рейтингга таъсир кўрсатган омиллар таркиби ва таъсир даражалари ҳам эълон қилиб борилади. Натижада, эълон қилинган расмий маълумотлар инновация соҳасида

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4210-сонли қарори.
<http://www.lex.uz/docs/4215422>

мамлакатлар ва ҳукуматлар томонидан ислоҳотларнинг йўналишларини танлаш, модернизациялаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.